

ISSN 0202-151 X

**О`ЗБЕКИСТОНДА  
ИЖТИМОИЙ  
ФАНЛАР**



**ОБЩЕСТВЕННЫЕ  
НАУКИ  
В УЗБЕКИСТАНЕ**

**4 - 5 - 2006**



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI  
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**ЎЗБЕКИСТОНДА  
ЎТИМОИЙ  
FANLAR**

**2006**

---

**4-5**

**ОБЩЕСТВЕННЫЕ  
НАУКИ  
В УЗБЕКИСТАНЕ**

*Журналнинг ушбу сонлари Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланади*

*Издается с мая 1957 г. Выходит по 6 номеров в год*

ТАШКЕНТ  
ИЗДАТЕЛЬСТВО «ФАН» АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2006

## РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Доктор экономических наук А.М.КАДИРОВ (*главный редактор*), доктор исторических наук Б.АБДУХАЛИМОВ (*зам. главного редактора*), доктор философских наук К.НАЗАРОВ (*зам. главного редактора*), акад. АН Узбекистана С.С.ГУЛЯМОВ, акад. АН Узбекистана Н.И.ИБРАГИМОВ, акад. АН Узбекистана И.И.ИСКАНДЕРОВ, акад. АН Узбекистана А.Р.МУХАМЕДЖАНОВ, акад. АН Узбекистана Х.Р.РАХМАНКУЛОВ, акад. АН Узбекистана Э.В.РТВЕЛАДЗЕ, акад. АН Узбекистана А.Х.ХИКМАТОВ, доктор исторических наук Д.А. АЛИМОВА, доктор филологических наук Т.МИРЗАЕВ, доктор юридических наук А.Х. САИДОВ, доктор исторических наук Т.Ш.ШИРИНОВ, Б.И.КНОПОВ (*ответственный секретарь*).

*Адрес редакции: 100047, Ташкент, ул. Боровского, 5.  
Телефон: 136-78-27.*

© Издательство «Фан» Академии наук Республики Узбекистан, 2006 г.

*Редакторы Б.И.Кнопов, Ю.Парпиева  
Технический редактор Л.П.Тюрина*

Регистр № 147. Сдано в набор 28.09.2006. Подписано в  
печать 22.11.2006

Формат 70x180  $\frac{1}{16}$ . Гарнитура литературная. Печать  
офсетная. Бумага офсетная. Усл.печ.л.7,70. Уч. -изд.л.6,85.  
Тираж 244.Заказ № 53.

Издательство «Фан» АН РУз: 100047,  
Ташкент, ул.академика Я.Гулямова, 70.

Типография ООО «Мехридарё»  
Ташкент, ул. Кушкуприк, 22.

С.С.ФУЛОМОВ

## ЎЗБЕКИСТОНДА–ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Ўн беш йиллик мустақиллик даврида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда ва халқаро муносабатларда улкан ютуқларга эришди. Бу йилларда Ўзбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт модели асосида бозор иқтисодиётини вужудга келтирди, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 7 августда эълон қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни таҳомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фаннинг ролини кучайтириш, илмий-техника тараққиёти бошқарувини эркинлаштириш, илмий тадқиқотлар, технологик ва конструкторлик ишланмалари даражаси, сифати ва долзарблигини ошириш, улардан самарали фойдаланиш учун кенг шароитлар яратишга йўналтирилган. Буларнинг барчаси ижтимоий-гуманитар фанлар ривожини учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Маълумки, бой тарихимиз ва маданий меросимиз муаммоларини ўрганишда, миллий кадриятларимизга холисона баҳо беришда ҳамда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда каттадир. Шу нуқтан назардан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар фанлар комплексига қарашли институтлар ва муассасаларда самарали тадқиқотлар олиб борилганлигини қайд этиш зарур. Аввало, шунини таъкидлаш керакки, ижтимоий-гуманитар соҳа олимлари очиқ фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш, бунда миллий ғоя ва мустақиллик мафкура-сининг ўрни масалаларини ёритишда эътиборли натижаларга эришдилар. Уларнинг бирламчи манбаларига асосланган тадқиқотлари туфайли Ўрта Осиёнинг марказий қисмини эгаллаган Ўзбекистон энг қадимий цивилизация ўчоқларидан бири эканлиги дунё миқёсида тан олинди. Буни ҳар бир институтда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари натижаларида янада ёрқинроқ кўриш мумкин.

Истиқлол йилларида яратилган 12 жилдли «Ўзбекистон Республикаси миллий энциклопедияси»ни тайёрлашда Фанлар академияси жамиятшунос олимлари фаол қатнашдилар.

Мустақиллик йилларида буюк сиймоларнинг юбилей саналарини нишонлаш ишларида ҳам Фанлар академияси фаол иштирок этиб келмоқда. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Мотурудий, Бурҳониддин Марғилоний, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа шу каби тарих ва маданиятимизнинг улуг намояндалари, буюк саркарда ва давлат арбобларини юбилей саналарида ҳамда Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон, Самарқанд шаҳарларининг, шунингдек, «Авесто» китоби ва «Алпомиш достони» юбилейларини ўтказишда Фанлар академияси ва унинг етакчи

институтлари ва илмий марказлари томонидан кўплаб мақола, рисола ва монографиялар нашр қилинди, турли халқаро ва республика анжуманларида ҳамда мазкур сиймоларнинг маданий ва илмий меросини тарғиб қилишда, фотолавҳалар, видеоматериаллар, таклифномалар, юбилей нишонларини тайёрлашда иштирок этдилар.

Замонавий ва мумтоз ўзбек миллий адабиёти (шу жумладан, болалар адабиёти), фольклор, ўзбек тилининг тарихи ва замонавий ҳолати, унинг грамматик қурилиши ва лексик таркиби, терминологияси ва диалектологияси масалаларини чуқур ўрганишга йўналтирилган **Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти** ижодий-илмий жамоаси ҳам кўзга кўринарли ютуқларга эришмоқда. Ўзбек классик асарларининг энг яхши намуналарини нашр этиш, турли луғатларни тузиш ва чоп этиш, шу билан бирга, тил ва адабиёт назарияси бўйича асарлар яратишга катта эътибор берилмоқда. Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг яратилганлиги, Алишер Навоийнинг 20 жилдли «Мукаммал асарлар тўплами», «Алпомиш», «Гўрўғли» дostonлари каби академик нашрларнинг амалга оширилганлиги бунинг ёрқин далилидир. Кўп йўналишлар бўйича илмий-назарий тадқиқотлар Ўрта Осиё минтақаси адабиётшунослари, тилшунослари ва фольклоршунослари, МДХ мамлакатлари, АҚШ, Германия, Япония ва бошқа давлатларнинг етакчи илмий марказлари билан ижодий ҳамкорликда олиб берилмоқда.

**Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти**да илмий-назарий тадқиқотлар, энг аввало Хорижий Шарқ мамлакатлари, аynиқса ислом дунёси ва шунингдек, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Корея, Афғонистон ва бошқа давлатларнинг тарихи, иқтисодиёти, ижтимоий, маданий, маънавий ҳаётини ўрганишга йўналтирилган.

Ҳақон илмий-маънавий тарихида энг ноёб ва қимматли ҳисобланган ҳамда ЮНЕСКОнинг махсус рўйхатиға киритилган Шарқ қўлёзмалари фонди—институтнинг ноёб бойлигини эҳтиёткорлик билан сақлаш, тўлдириш ва ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Институтнинг ушбу бебаҳо ва такрорланмас, аynи пайтда ўзбек халқининг фахри бўлган қўлёзмалари дунёнинг турли мамлакатлари шарқшунослари томонидан чуқур ўрганилмоқда. Ҳозирги пайтда мазкур фонд 26 минг жилдни ташкил қилади, тошбосма ва литографик нашрлар фонди эса 40 минг жилдға яқиндир. Институт фондида катта ҳажмда қимматли ва ноёб оригинал ҳужжатлар, чунonчи, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида махсус тузилган ҳужжатлар йиғилган. Ҳозиргача қўлёзмаларнинг 7600 га яқини ўрганилган, холос. Уларнинг тўлиқ тавсифи «Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан» (СВР) каталогининг 11 та жилдида қайд этилган. Институт олимлари томонидан ўрта асрларда яшаб ижод этган Форобий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг кўплаб асарлари, уларнинг фундаментал нашрлари ана шу қўлёзмалар негизида чоп этилди.

Ўзбекистонда тарихий илмий-назарий изланишларни мувофиқлаштирувчи марказға айланган академиямизнинг **Тарих институти** олимлари томонидан ҳам «Тарихий ўтмишсиз—келажак йўқ» дастури асосида катта ижодий фаолият олиб борилиб, юзлаб асарлар яратилди. Тарихчиларимизнинг оригинал тадқиқотлари ўзбек халқи ва унинг миллий давлатчилиги тарихи, қадим маданиятининг шаклланиши ва бир-бириға таъсири, Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлардаги цивилизацияси, Ўзбекистонда

яшовчи ўзбек ва бошқа халқларнинг этник тараққиёти, ўзбек халқининг турли тарихий ривожланиш босқичларида ижтимоий-сиёсий ҳаёти, ўзбек халқи тарихининг ўзига хос хусусиятлари ва маданияти ривожини масалаларига бағишланган.

Истиқлол йилларида тарихчиларимизнинг Фарб ва Шарқ мамлакатлари мутахассислари, шунингдек МДХ мамлакатлари билан ижодий алоқаларининг кенг ривожланаётгани, халқаро форумларда, турли илмий-тадқиқот лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишда қатнашишлари самарали натижалар бермоқда.

**Иқтисодий институтида** асосий эътибор Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини шакллантириш ҳамда жаҳон хўжалиги тизимида интеграция чуқурлашаётган бир паллада миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини кучайтириш механизмнинг методологик асосларини яратиш жараёнлари, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инвестиция ва инновация дастурларини шакллантириш методологияси, рақобатни ривожлантириш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама рағбатлантириш механизми ҳамда ишчи кучларини экспорт қилиш контекстида меҳнат бозорини шакллантириш ва демографик вазиятни баҳолаш тизими ва методологиясини ривожлантиришга қаратилган.

Институт тадқиқотларининг катта қисми Ўрта Осиё ва МДХ давлатлари ҳамда узоқ хориж мамлакатларининг айрим иқтисодий муассасалари билан мувофиқлаштирилган ҳолда, ўзаро манфаатдорлик асосида олиб борилмоқда.

**Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти** жамоаси ҳуқуқий билимларни ривожлантириш, қонунчилик жараёни ва ҳуқуқ нормаларини қўлаш амалиётини такомиллаштириш, бозор муносабатларини янада эркинлаштириш ва бошқаришнинг ҳуқуқий масалалари, жамиятнинг демократлаштириш ва эркинлаштиришни янада такомиллаштириш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибаси ва миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари, шахс эркинлиги ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини илмий-назарий тадқиқ қилиб, мамлакатимизнинг фалсафий-ҳуқуқий қиёфасини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Институт олимлари томонидан мустақиллик йилларида 1000 га яқин китоблар, монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, рисола ва мақолалар чоп этилди. Маънавий-маърифий ва ҳуқуқий ривожланишимизнинг фундаментал асослари яратилмоқда. Йилдан-йилга институт олимларининг хорижий ҳамкасблари билан анъанавий алоқалари мустақамланмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси ФА Қорақалпоқ бўлими** таркибига кирувчи Оролбўйи минтақавий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, Тарих, археология ва этнография ҳамда Тил ва адабиёт институтларида ишлаётган ҳамкасбларимиз ҳам илм-фан тараққиёти борасида кўпгина ютуқларга эришди. Жумладан, олти йил олдин ташкил этилган **Орол бўйи минтақавий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш институти** минтақа ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш, шунингдек, экология ва аҳолишунослик муаммоларини тадқиқ этиш билан шуғулланади. Таъкидлаш жоизки, институтнинг бош стратегик вазифаси—минтақадаги Оролбўйининг барқарор ривожла-



нишини таъминловчи омилларни илмий-назарий изланишлар натижасида аниқлаш ва ҳаракатга келтиришга йўналтирилган.

Институт илмий тадқиқотлари яқин ва узоқ хорижнинг баъзи илмий марказлари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Инчунин, институтнинг Шарқий Европа (Германия) иқтисодий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бюроси таркибига кириши, Экологик иқтисодиёт бўйича халқаро жамият (ISEE) аъзоси эканлиги бежиз эмас, албатта.

**Тарих, археология ва этнография институти** 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, бош йўналиши Жанубий Оролбўйи халқларининг энг қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги тарихини, унинг моддий ва маънавий маданияти ҳамда турмуш тарзи, археологияси, санъати, шунингдек, манбашунослик ва тарихшунослик масалаларини ўрганишдир. Баъзи тадқиқотлар йўналишлари хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

**Тил ва адабиёт институтида** қорақалпоқ тилининг тарихи ва замонавий ҳолати, унинг лексикаси, терминологияси, диалектологияси, қорақалпоқ адабиёти ва фольклори тарихи ўрганилади. Институт олимлари халқаро алоқаларни янада кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Халқаро илмий анжуманлар ва лойиҳаларни тайёрлашда (масалан, «Эдега» достонини ўрганишга бағишланган халқаро илмий конференция сингари), жаҳоннинг турк тилли халқлари эпосларини ўрганиш ва нашр этишда иштирок этмоқдалар.

Очиқ музейлар шаҳри Самарқандда жойлашган Археология институти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих ва археология институти археология бўлими базасида 1970 йилда ташкил қилинган. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси ФА Самарқанд бўлими таркибига киритилган академик Яҳё Ғуломов номидаги Археология институтида ўтган йиллар давомида Ўзбекистон ҳудудида палеолит, неолит, бронза даври ва илк ўрта асрларнинг турли босқичлари, деҳқончилик ва илк шаҳар маданияти, Буюк Ипак йўли тарихи, қоялардаги ёзувлар, эпиграфика, нумизматика, Марказий Осиё халқлари динлари тарихини (зороастризм, буддизм, ислом ва б.) ўрганиш соҳалари бўйича янги, жуда муҳим, оламшумул кашфиётлар қилинди.

Институт илмий ходимлари ўз тадқиқотларини Россия, Франция, Германия, Япония, Италия, Испания, Хитой, Корея ва бошқа хорижлик ҳамкасблари билан яқин алоқада олиб бормоқдалар.

Хоразм Маъмур академиясида археология, тарих, айниқса қадимий Хоразм цивилизацияси ва давлатчилиги, илм-фани, моддий ва маънавий маданиятининг комплекс муаммолари, унинг бошқа Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан халқаро алоқалари тадқиқ этилади.

Фанлар академияси қошидаги марказларда мамлакат минтақалари тараққиётига доир муаммолар тадқиқ қилинади. Жумладан, Андижон – Наманган илмий марказида Фарғона водийси тарихи, маданияти, ижтимоий-иқтисодий масалалари ўрганилади. Фарғона илмий марказида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммолари тадқиқ этилмоқда. Бухоро илмий марказида Бухоронинг қадимий ва бой тарихи масалалари ўрганилмоқда.

Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи, Адабиёт давлат музейлари ва Қатағон қурбонлари хотираси музейи каби илмий муассасалари жамоалари томонидан энг қадимги даврлардан бош-

лаб, бугунгача халқимиз босиб ўтган йўл, унинг тарихи ва адабиётини узлуксиз ижтимоий-сиёсий ва тарихий маданиятини жараён сифатида кўрсатувчи янги экспозициялар яратилди ва улар муваффақиятли равишда намойиш этилмоқда.

Музейларда халқимизнинг жуда кўп моддий ва маънавий мероси ёдгорликлари тўпланган, улар ўрганилмоқда ҳамда улар асосида мамлакатимиз халқи, айниқса ёшлар ўртасида фаол тарбиявий ва маърифий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, музейларимизда «Амир Темур – Клавихо – Самарқанд», «Қоратепа – Ўрта Осиё буддавийлик маркази», Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган «Ўзбекистонда илм-фан тараққиёти», Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган «Қадимий ва навқирон Қарши» кўرғазмалари очилди ва кенг омма эътиборига тақдим этилди. Бизнинг ҳақиқий маънавий-маърифий «олтин фонд»имизни ташкил этувчи музей бойликлари билан хорижлик дипломатлар, мутахассислар ва сайёҳлар кенг кўламли танишмоқдалар.

Комплексида фан ва таълим интеграциясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борадаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг қўшма қарори қабул қилингандан сўнг янада фаоллашди. Бундай ҳамкорлик Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида меҳнат қилаётган илмий ходимларнинг салоҳиятидан кенг доирада фойдаланиш, етакчи олимларнинг ёш, истеъдодли бакалавр ва магистрларни тарбиялашда иштирок этишини таъминлаш, кадрлар заҳирасини яратиш, ёшларга илмий изланиш олиб бориш услубларини ўргатиш, фаннинг энг сўнгги ютуқларини ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётига жорий этишда катта имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар фанлар комплекси институтлари ва музейларда олиб борилган тадқиқот ишларининг салмоқли эканлиги шубҳасиздир. Шунга қарамай, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳозирги тадқиқотлар доираси йил сайин ортиб бораётган юксак талабларга, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар суръатларига тўлиқ жавоб бермайди. Илмий дастурлар ва тадқиқотлар мавзуларини шакллантириш, уларнинг молиялаш механизмини тубдан яхшилаш лозим. Мукамал Ўзбекистон тарихининг академик нашри ҳозиргача амалга оширилган эмас. Қорақалпоғистон тарихи, ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи, қорақалпоқ фольклори ва адабиёти тарихининг академик нашрларини яратишга эндигина киришилмоқда. Фалсафа ва ҳуқуқ фанлари бўйича йирик, фундаментал тадқиқотлар ниҳоятда оз. Муайян сабабларга кўра, майда мавзуларни, шунда ҳам иккинчи даражали мавзуларни ишлаш кўпаймоқда. Бу эса, илмий салоҳиятнинг бўлиниб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу жиҳатдан 2006 йил 25 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қароридан мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ишларни самарадорлигини, уларнинг ҳаётий-



лиги ва таъсирчанлигини янада ошириш ҳамда Республика маънавият ва маърифат кенгашининг вазифаларини кучайтириш мақсадида маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдишлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш, аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор ёшлар ўртасида ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларни ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш; бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фож қилиш, одамларни хушёрликка ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш; ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул ва услублар орқали сингдириш, аждодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш; юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти ва қутлуг қадамжоларига бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳроқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш белгиланди.

Юртбошимизнинг юқорида қабул қилган қарорлари Ўзбекистон фани тараққиётида, жумладан, ижтимоий-гуманитар фанлар ривожиди ҳам янги бир босқични бошлаб беради. Бугунги кунда қарор талаблари асосида ижтимоий-гуманитар фанларнинг истиқболли йўналишлари белгиланди, муассасаларнинг яқин келажакдаги ривожланиш концепциялари ишлаб чиқилди. Барча институтлар ва музейларда тўпланган илмий салоҳиятни урта йирик фундаментал тадқиқотлар дастури доирасида бирлаштириш режалаштирилди.

1. «Глобаллашув шароитида жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, фалсафий ва ҳуқуқий масалалари» дастури бўйича Иқтисодиёт, Фалсафа ва ҳуқуқ, Оролбўйи ижтимоий-сиёсий муаммолари институтлари тадқиқотлар олиб бордилар.

2. «Тарихий-маданий мерос ва унинг жамиятни ривожлантиришдаги роли. Ўзбекистоннинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси ва унинг жаҳон ҳамжамятидаги ўрни» дастурини бажаришга Шарқшунослик, Тарих, Археология, Тил ва адабиёт, Қорақалпоғистон бўлимининг Тил ва адабиёт, Тарих, археология ва этнография институтларининг илмий салоҳияти жалб қилинган.

3. Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи, Адабиёт давлат музейлари ва Қатағон қурбонлари хотираси музейи илмий ходимлари «Музей фондларини сақлаш, кенгайтириш ва тарихий-маданий ёдгорликларни тадқиқ этиш» дастури бўйича фаолият кўрсатадилар.

Юртбошимиз қарорларини янада ривожлантириш учун яратилган улкан шароит ва катта эътибор рамзи сифатида қабул қилинган ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаси олимлари ушбу қарорлар талабларидан келиб чиқадиган юксак масъулиятни чуқур ҳис этишлари ва ўзларининг янги-янги тадқиқотлари билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳиссаларини қўша олишлари шубҳасиздир.

Юртбошимизнинг: «Биз дунёдаги тараққий топган давлатлар сафи-га киришни мақсад қилар эканмиз, авваламбор, олимларимиз, уларнинг илми, обрўси оламда машҳур бўлиши, жаҳон илм-фанининг юксак мезонларига мос бўлиши даркор. Бугун биз олиб бораётган барча илмий изланишлар дунёдаги энг нуфузли илм даргоҳлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши, уларнинг кўмаги, тажрибалари билан бойитилиши керак», - деган илҳомбахш сўзлари олимларимиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганлиги нафақат уларнинг замонавий тадқиқот ишлари, янги технологияларни яратишларида балки, АҚШ, Хитой, Германия, Италия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия сингари кўплаб мамлакатлар илмий марказлари билан қилаётган ҳамкорлик натижаларида ҳам ёрқин кўриниб турибди. Шундай экан, бундай ҳамкорлик доирасини янада кенгайтиришимиз амалий ишларимизнинг сифати ва самарадорлигини кўзланган даражага етказмоғимиз лозим.

Шундай қилиб, Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар йўналишдаги комплекси фаолиятида Ўзбекистоннинг ўтмиши ва бугунги истиқболли ҳаёти, унинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий ривожланишининг муҳим муаммолари ўрганилиб, унинг мамлакатимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшишига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Истиқлол истиқболи – 15 йиллик тараққиёт буни яққол кўрсатиб турибди.

## МУНДАРИЖА

С. С. Фуломов. Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанлар тараққиёти ва истиқболи.....	3
А.Х. Саидов. Ўзбекистон мустақиллиги даврида ҳуқуқшунсолик фани ривожланишининг хусусиятлари.....	9
Ҳ.А. Раҳмонқулов. Мустақил Ўзбекистон янги ҳуқуқ тизимининг шаклланиши ва ривожланиши.....	16
С. М. Одилхўжаева. Мустақил Ўзбекистон давлатчилигини мустаҳкамлашда икки палатали парламентнинг роли.....	22
С. С. Фуломов. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши: ютуқлари ва истиқболи.....	29
Р. А. Убайдуллаева. Миллатлараро ҳамжиҳатлик – мустақил Ўзбекистон барқарорлигининг асосий омили.....	35
С. Рашидова. Инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг – Конституциявий институти.....	43
И. И. Искандаров. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнида прогрессив силжишлар.....	49
Э. М. Усмонов. Мустақил Ўзбекистон экологик сиёсатининг асосий йўналишлари.....	60
Б.А. Абдуҳалимов, А.Хўжаев, Б.Обидов, Д.Валиева. Ўзбекистон ва Хорижий Шарқ.....	67
Р.М. Бобоҳўжаева. Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий алоқаларининг ривожланиши.....	71

## Ахборот

Ж. Х. Исмоилова, Л. Г. Левтеева. Ўзбекистон тарихи музейининг Республика мустақиллигига бағишланган экспонатлари.....	81
---	----

## СОДЕРЖАНИЕ

С. С. Гулямов. Общественно-гуманитарные науки в Республике Узбекистан: развитие и перспективы.....	3
А. Х. Саидов. Особенности развития правоведения в период независимости Узбекистана.....	9
Х.-А. Р. Рахманкулов. Формирование и развитие новой правовой системы в независимом Узбекистане.....	16
С. М. Адилходжаева. Роль двухпалатного парламента в укреплении государственности суверенного Узбекистана.....	22
С. С. Гулямов. Формирование гражданского общества в Республике Узбекистан: достижения и перспективы.....	29
Р. А. Убайдуллаева. Межнациональное согласие—важный фактор стабильности в независимом Узбекистане.....	35
С. Рашидова. Конституционный институт защиты прав человека.....	43
И. И. Искандеров. Прогрессивные сдвиги в процессе интеграции Узбекистана в мировое общество.....	49
Э. М. Усмонов. Основные направления экологической политики независимого Узбекистана.....	60
Б. А. Абдухалимов, А. Ходжаев, Б. Обидов, Д. Алиева. Узбекистан и Зарубежный Восток.....	67
Р. М. Бабаходжаева. Развитие международных культурных связей Республике Узбекистан.....	71

## Хроника

Дж. Х. Исмаилова, Л. Г. Левтеева. Экспонаты Музея истории Узбекистана, посвященные независимости Республики.....	81
--	----

## НАШИ АВТОРЫ

- Гулямов С.С. — академик АН РУз, вице-президент АН РУз.  
Искандеров И.И. — академик АН РУз.  
Рахманкулов Х.-А.Р. — академик АН РУз.  
Рашидова С. — академик АН РУз, Уполномоченный Олий Мажлиса РУз по правам человека (Омбудсман).  
Убайдуллаева Р.А. — академик АН РУз, директор Центра изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр»  
Абдухалимов Б. — доктор исторических наук, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз.  
Адилходжаева С.М. — доктор юридических наук, сенатор.  
Гулямов С.С. — доктор юридических наук, и.о. профессора ТГЮИ.  
Исмаилова Дж.Х. — доктор исторических наук, директор Государственного музея истории Узбекистана АН РУз.  
Сандов А.Х. — доктор юридических наук, директор Национального Центра Республики Узбекистан по правам человека  
Ходжаев А. — доктор исторических наук, ст. научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз.  
Бабаходжаева Р.М. — кандидат исторических наук, зав. кафедрой ТАДИ.  
Валиева Д. — кандидат исторических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз.  
Левтеева Л.Г. — кандидат исторических наук, ст. научный сотрудник Государственного музея истории Узбекистана АН РУз.  
Обидов Б. — кандидат исторических наук, ст. научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз.  
Усмонов Э.М. — зам. директора Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз.